

Қ А Р О Р

2021 йил ноябрь ойининг 17 куни жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг ўз биносида очиқ суд мажлиси бўлиб, раислик қилувчи шаҳар судининг судьяси У.Шералиев, судья ёрдамчиси А.Тулановнинг котиблигида, Андижон шаҳар ИИО ФМБ 3-сон ИИБдан келиб тушган ҳуқуқбузар А.Ирматовга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш ҳақидаги тақдимномаси ва унга илова ҳужжатларни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Ирматов Адхамжон Мухтарович, 1975 йил 12 ноябрда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланган, хайдовчи, Андижон шаҳар, Гумбаз МФЙ, Уста Ширин кўчаси, 24-уйда яшайди.

Тақдимномада, ҳуқуқбузар А.Ирматов муқаддам судланиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан бўлса-да, ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, 2021 йил 19 октябрь куни соат 10.30 ларда Андижон шаҳар Бобур шох ва Ю.Отабеков кўчалари кесишмасида бошқаруида бўлган 60 С 958 ОА давлат рақамли “Матиз” автомашинасида қизил чироқда тўхташ чизини босиб ўтгани учун унга нисбатан МЖТКнинг 128⁴-моддаси 1-қисмига асосан маъмурий баённома тузилиб жарима жазоси тайинлангани, шунингдек А.Ирматов 2021 йил 28 октябрь куни соат 23.20 ларда яшаш хонадонидан автомашинасида баланд овозда қўшиқ тинлаб, қўшниларининг тинчлигини бузгани учун унга нисбатан МЖТКнинг 192-моддаси 1-қисмига асосан маъмурий баённома тузилиб унга жарима жазоси тайинлангани ва жиноят содир этишга мойиллиги сабабли унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш сўралган.

Суд тақдимномани ўрганиб чиқиб, устидан тақдимнома киритилган шахсни кўрсатувини тинглаб, уни муқаддам судланиб озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб келиб, ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиб келаётганини ва келгусида уни жиноят содир этишга мойиллигини назарда тутиб, уни қасддан янги жиноят содир этишини олдини олиш мақсадида унга нисбатан киритилган тақдимномани қаноатлантиришни лозим топади.

Суд, юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикасининг 02.04.2019 йилдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш туғрисида» ги қонунининг 6,7,8,9,10-моддаларига асосан

Қ а р о р қ и л а д и :

ИИБнинг фуқаро Ирматов Адхамжон Мухтаровичга нисбатан киритган тақдимномаси қаноатлантирилсин.



Ирматов Адхамжон Мухтарович 6 ой муддатга маъмурий назоратга олинсин ва унга нисбатан қуйидаги чекланишлар ўрнатилсин;

1. Кеч соат 23-00 дан эрталаб соат 06-00 га қадар яшаш жойидан чиқмаслик.

2. Ҳар ойнинг 5 санаси куни Андижон шаҳар ИИО ФМБ рўйхатидан ўтиб туришлик мажбурияти тушунтирилсин.

3. Ички ишлар бўлими рухсатсиз Андижон вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

4. Спиртли ичимликлар қўйиб сотиш билан савдо қилинадиган жойларда бўлмаслик.

Қарор ижросининг назорати тақдимнома киритган ИИБ зиммасига юклатилсин, маъмурий назорат муддати қарор чиқарилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Қарордан норози томонлар 10 сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судига шикоят беришга, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

У.Шералиев



Хужжат имзоланган: Шералиев Улуғбек Қодирович, 22.11.2021

